ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ, МАТЕМАТИКА ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.FM.01.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

МАТЕМАТИКА ИНСТИТУТИ

ИМОМОВ АЪЗАМ АБДУРАХИМОВИЧ

ТАРМОҚЛАНУВЧИ ТАСОДИФИЙ ЖАРАЁНЛАРНИНГ АСИМПТОТИК ХОССАЛАРИ

01.01.05 – Эҳтимоллар назарияси ва математик статистика (физика-математика фанлари)

Физика-математика фанлари доктори (DSc) диссертацияси

АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2019 йил

УДК: 519.218.2

Докторлик (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации

Content of the abstract of the doctoral (DSc) dissertation

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ, МАТЕМАТИКА ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.FM.01.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

МАТЕМАТИКА ИНСТИТУТИ

ИМОМОВ АЪЗАМ АБДУРАХИМОВИЧ

ТАРМОҚЛАНУВЧИ ТАСОДИФИЙ ЖАРАЁНЛАРНИНГ АСИМПТОТИК ХОССАЛАРИ

01.01.05 – Эҳтимоллар назарияси ва математик статистика
(физика-математика фанлари)

Физика-математика фанлари доктори (DSc) диссертацияси

АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2019 йил

Фан доктори (Doctor of Science) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2019.1.DSc/FM131 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси В.И.Романовский номидаги Математика институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.ik-fizmat.nuu.uz) ва «Ziyonet» ахборот-таълим тармоғида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:	**Ҳусанбоев Ёқубжон Муҳамаджонович** физика-математика фанлари доктори
Расмий оппонентлар:	**Гаджиев Асаф Гаджи ўғли** физика-математика фанлари доктори, профессор, Азарбайжон Миллий Фанлар академияси академиги
	Ходжибаев Вали Рахимджанович физика-математика фанлари доктори, профессор
	Раимова Гулнора Мирвалиевна физика-математика фанлари доктори
Етакчи ташкилот:	**Тарас Шевченко номидаги** **Киев Миллий университети, Украина**

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Миллий университети, Математика институти ҳузуридаги DSc.27.06.2017.FM.01.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил «____» ____________ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Университет кўчаси, 4-уй. Тел: (99871) 227-12-24, факс: (99871) 246-53-21, 246-02-24, e-mail: nauka@nuu.uz

Диссертация билан Ўзбекистон Миллий университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин. (______ рақам бидан рўйхатга олинган). (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Университет кўчаси, 4-уй. Тел: (99871) 246-02-24).

Диссертация автореферати 2019 йил «______» ________________ куни тарқатилди.

(2019 йил «______» ________________ даги _____ рақамли реестр баённомаси)

А.Садуллаев
Илмий даражалар берувчи Илмий
кенгаш раиси, ф.-м.ф.д., академик

Ғ.И.Ботиров
Илмий даражалар берувчи Илмий
кенгаш илмий котиби, ф.-м.ф.н.

Ш.К.Форманов
Илмий даражалар берувчи Илмий
Кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси, ф.-м.ф.д., академик

КИРИШ (докторлик диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон миқёсида олиб борилаётган кўплаб илмий-амалий тадқиқотлар амалий муаммоларни ҳал этишда тармоқланувчи тасодифий жараёнларнинг муҳим аҳамиятга эга эканлигини кўрсатмоқда. Тармоқланувчи тасодифий жараёнлар назарияси – замонавий математиканинг кенг қамровли тадбиқларга эга бўлган соҳаси бўлиб, у бирор тасодифий репродуктив механизм асосида ривожланиб борувчи заррачалар популяциясининг эволюцион қонунларини тадқиқ этади. Тадқиқотлар мазкур назариянинг классик ва замонавий моделлари кенг қамровли амалий тадбиқларга эга эканлигини кўрсатмоқда. Жумладан, ядро физикаси, молекуляр биология, химия, демография, тиббиёт каби фан соҳаларининг қатор амалий масалалари заррачалар эволюциясини тадқиқ этиш билан боғлиқ моделлар билан ифодаланади. Ушбу назария ўрганилаётган масалалар ва моделларнинг амалий ва реал табиати туфайли, замонавий эҳтимоллар назариясининг фаол ривожланиб бораётган тармоқларидан бири сифатида долзарб тадқиқотлар объекти бўлиб қолмоқда.

Ҳозирги кунда жаҳонда тармоқланувчи жараёнлар назариясининг тадбиқлари доирасининг кўлами биологик популяцияларнинг эволюцион қонунларини ёритиш, оммавий хизмат кўрсатиш назарияси масалаларини ўрганиш ҳамда заррачалар эволюцияси билан боғлик бошқа кўплаб физик ва техник ҳодисаларни ўрганиш каби муаммоларни қамраб олмоқда. Бу борада ушбу назариянинг ривожланиб бориши бир томондан классик моделларни янада чуқурроқ ўрганишга бўлган зарурат билан боғлиқ бўлса, иккинчи томондан ўрганилаётган табиий ҳодисалар моҳиятини кенгроқ акс эттирувчи янги схемаларнинг кашф этилиб бориши билан изоҳланади. Бу борада, классик моделлар доирасида олинган натижаларни ривожлантириб бориш ҳамда табиий шартларга мос келувчи янги назарий хулосалар олишга қаратилган изланишлар мақсадли илмий тадқиқотлардан ҳисобланади.

Мамлакатимизда фундаментал фанларнинг амалий тадбиқларга эга бўлган долзарб йўналишларига эътибор кучайтирилмоқда. Хусусан, эҳтимоллар назарияси соҳасида олиб борилаётган фундаментал тадқиқотларни амалиётга жорий этиш масаласи муҳим вазифа сифатида қўйилган. Бу вазифани бажаришда тармоқланувчи тасодифий жараёнлар назарияси етакчи ўринлардан бирини эгаллайди. Мазкур назариянинг кўплаб соҳалардаги долзарб муаммоларни ҳал қилишга қаратилган тадбиқлари доирасида салмоқли илмий натижаларга эришилди. Эҳтимоллар назарияси ва математик статистика фани бўйича ҳалқаро стандартлар даражасидаги илмий тадқиқот ишларини олиб бориш асосий вазифалар ва фаолиятлар йўналишлари этиб белгиланган[1]. Мазкур қарор ижросини таъминлаш мақсадида тармоқланувчи тасодифий жараёнлар назарияси соҳасида илмий тадқиқот ишларини давом эттириб бориш муҳим аҳамиятга эга.

---

[1] Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 18 майдаги №292 «Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг янгидан ташкил этилган илмий-тадқиқот муассасалари фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги қарори.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги № ПФ-4947 “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича харакатлар стратегияси тўғрисидаги” Фармони, 2017 йил 17 февралдаги № ПҚ-2789 “Фанлар академияси фаолияти, илмий тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора тадбирлари тўғрисида”ги, 2017 йил 20 апрелдаги № ПҚ-2909 “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ва 2018 йил 27 апрелдаги № ПҚ-3682 “Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳаларни амалиётга жорий қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга оид бошқа норматив-ҳуқуқий хужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялар ривожланиши устувор йўналишларига боғлиқлиги. Диссертация республика фан ва технологиялар ривожланишининг IV. «Математика, механика ва информатика» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи[2]. Тармоқланувчи жараёнлар турли хил моделлари траекторияларининг хоссаларини тадқиқ этишга ва жараёнлар характеристикаларининг лимит тақсимотларини топишга қаратилган кенг кўламли илмий изланишлар дунёнинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан, Monash University, University of Western Australia, University of Queensland (Австралия); University of Liverpool, University of Bath (Буюк Британия); University of Debrecen, University of Szeged (Венгрия); Technische Universitat Munchen, Christian-Albrechts-Universitat zu Kiel, University of Frankfurt (Германия); University of Extremadura (Испания); Central South University, Beijing Normal University (Хитой); University of Nijmegen (Нидерландия); Zayed University (БАА); Silesian University of Technology (Польша); University of Georgia, Rice University, Virginia Polytechnic Institute, Trinity University, Iowa State University, University of Chicago (АҚШ); Chalmers University of Technology (Швеция); Meijo University (Япония); Россия ФА В.А.Стеклов номидаги Математика институти; Азарбайжон ФА Математика ва механика институти; Ўзбекистон ФА Математика институтида олиб борилмоқда.

Илмий натижаларнинг қўлланилиши натижасида жаҳон миқёсида қатор долзарб масалалар ўз ечимини топган, жумладан, қуйидаги илмий натижалар олинган: иммиграцияли Марков тармоқланувчи жараёнлари учун λ-инвариант ўлчовларнинг мавжудлиги ва ягоналиги исботланган (Monash University, University of Western Australia, University of Liverpool, Central South University); мусбат траекторияли Гальтон-Ватсон жараёнида заррачалар умумий сонининг лимит тақсимоти топилган (Monash University); ҳосил қилувчи функциялари регуляр ўзгарувчи бўлган Гальтон-Ватсон ва узлуксиз вақтли Марков тармоқланувчи жараёнлари учун лимит теоремалар

---

[2] Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи ушбу www.mathnet.ru/, www.appliedprobabiliy.org/, www.hindawi.com/, www.springer.com/, www.elsevier.com/ интернет сайтлари ва бошқа манбалар асосида ишлаб чиқилган.

исботланган (University of Western Australia, Technische Universitat Munchen); тармоқланувчи жараёнларнинг турли функционаллари ва инвариант ўлчовлари орасидаги муносабатлар ўрнатилган (Monash University, Christian-Albrechts-Universitat zu Kiel, Chalmers University of Technology); деярли критик Гальтон-Ватсон жараёнлари учун функционал лимит теоремалар исботланган (University of Extremadura, University of Debrecen, Zayed University); узлуксиз вақтли Марков тармоқланувчи жараёнлари q-матрицасининг компоненталари топилган (University of Western Australia, University of Queensland, Central South University); тармоқланувчи суперкритик Гальтон-Ватсон жараёнлари функционаллари учун катта сонлар қонуни ва марказий лимит теорема аналоги исботланган (University of Georgia); заррачалар ёшига боғлиқ ҳолда ривожланувчи тармоқланувчи жараёнларнинг давомийлиги эҳтимоллиги топилган ва асимптотик тақсимотлар олинган (Россия ФА Математика институти, Iowa State University); тасодифий муҳитда аниқланган тармоқланувчи жараёнлар учун классик лимит теоремалар аналоглари исботланган (Россия ФА Математика институти, University of Frankfurt); тармоқланувчи жараёнлар тебранишлари учун лимит теоремалар исботланган (University of Nijmegen, Iowa State University, Ўзбекистон ФА Математика институти); нормалланган Гальтон-Ватсон жараёнлари кетма-кетлигининг яқинлашиши ҳақидаги лимит теоремалар исботланган (Азарбайжон ФА Математика ва механика институти, Zayed University, Ўзбекистон ФА Математика институти); иммиграцияли Гальтон-Ватсон жараёни инвариант ўлчовлари матрицаси ҳисобланган (Meijo University).

Дунёда бугунги кунда реал ҳодисаларни акс эттирувчи янги математик моделларни кашф этиш, олинган назарий натижаларни амалиётга тадбиқ этиш каби устувор йўналишларда илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Тармоқланувчи жараёнлар давомийлиги эҳтимоллигининг асимптотасини ўрганиш бўйича дастлабки натижалар А.Колмогоров, Н.Дмитриев, Б.Севастьянов, С.Хиткот, Е.Сенета, Д.Вир-Джонс, А.Нагаев ва Р.Мухамедханова ишларида олинган. Қаралаётган жараённинг мусбат траекторияси бўйича заррачалар сони тақсимоти учун дастлабки лимит теоремалар эса А.Яглом, Т.Харрис, Дж.Ламперти ва П.Ней ҳамда Б.Севастьянов ишларида исботланган. Дж.Ламперти ва П.Ней ўз ишларида траекторияси узоқ келажаккача давом этувчи Гальтон-Ватсон жараёнини Q-жараён номи билан киритди ва унинг хоссаларини ўрганишди. В.Чистяков томонидан узлуксиз вақтли Марков тармоқланувчи жараёнлари учун дастлабки локал лимит теоремалар исботланди. Санаб ўтилган ишларда битта заррача бевосита авлодлари сони тақсимотининг учинчи ва тўртинчи тартибли чекли факториал моментларга эга бўлиш шартлари талаб этилган.

В.Золотарёв илк бор классик теоремалар натижаларини битта заррача авлодлари сони тақсимотининг иккинчи тартибли моментни чекли бўлиш шартидан воз кечган ҳолда яхшилашда Карамата маъносидаги регуляр ўзгарувчи функциялар назариясининг қўлланилиш имкониятларини кўрсатиб берди. У инфинитезимал ҳосил қилувчи функциясининг “думи” 1 нуқтада

$\gamma \in (1,2]$ кўрсаткич билан регуляр ўзгарувчи бўлган критик Марков тармоқланувчи жараёнлари учун А.Яглом ва В.Чистяков теоремаларини исботлади. В.Золотарёвнинг теоремалари олдинги натижаларни шу маънода умумлаштирадики, $\gamma \in (1,2]$ сон чекли моментнинг тартибини билдиради. Кейинчалик Р.Слэйк ўз ишларида Гальтон-Ватсон тармоқланувчи жараёни учун В.Золотарёв натижаларининг аналогларини исботлади. С.Нагаев ва В.Уочтель томонидан эълон қилинган ишда эса А.Яглом теоремаси $\gamma = 1$ бўлган ҳол учун исботланиб, Р.Слэйк натижалари яхшиланди.

Гальтон-Ватсон жараёни эволюциясида иштирок этган барча авлодлар заррачалари умумий сонининг асимптотик хоссалари Д.Кеннеди, А.Пэйкс, В.Ватутин ва С.Сагитов, А.Карпенко ва С.Нагаев ишларида тадқиқ этилди.

Тармоқланувчи жараёнларнинг яна бир муҳим бўлимини иммиграцияли жараёнлар ташкил этади. Иммиграцияли жараёнлар, узлуксиз вақтли ҳол учун, илк бор Б.Севастьянов томонидан таърифланган. Кейинчалик, С.Хиткот бу моделни дискрет вақтли ҳол учун киритди. Е.Сенета эълон қилган ишларида иммиграцияли Гальтон-Ватсон жараёни инвариант ўлчовларининг ҳосил қилувчи функциясини қаноатлантирувчи функционал тенгламаларни топди. А.Зубков иммиграцияли жараённинг яшаш даврини ўрганди. А.Пэйкс ўз тадқиқотларида иммиграцияли Гальтон-Ватсон жараёни учун локал лимит теоремалар исботлади ва муайян шартларда жараённинг ўтиш эҳтимолликлари чексизликда регуляр ўзгаришини кўрсатди. И.Бадалбаев ва И.Рахимов томонидан нотекис иммиграцияли жараёнларни ўрганиш масаласи илгари сурилди. Ш.Форманов ва Ж.Азимов ҳосил қилувчи функцияси регуляр ўзгарувчи бўлган ва ҳолатларга боғлиқ иммиграцияли Марков тармоқланувчи жараёнлари учун лимит теорема исботлашди. Дж.Ли, Ф.Чэн ва А.Пэйкс эълон қилган ишда Марков тармоқланувчи жараёнлари учун λ-инвариант ўлчовнинг мавжудлиги ва ягоналиги ҳақидаги теоремалар исботланди. Я.Ҳусанбоев иммиграцияли Гальтон-Ватсон жараёнлари тебранишларининг детерминистик жараёнларга суст яқинлашишини тадқиқ этди ва бу тебранишлар хоссаларига оид лимит теоремалар исботлади. А.Иксанов ва З.Каблучко жуда фаол иммиграцияли Гальтон-Ватсон жараёнлари учун функционал лимит теоремалар исботлади.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Математика институтининг Ф4-ФА-Ф009 рақамли «Эҳтимолликлар тақсимотлари учун аппроксимация масалалари ва уларнинг математик статистикадаги тадбиқлари» (2012–2016) мавзусидаги илмий-тадқиқот лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади. Минимал момент шартларда дискрет ва узлуксиз вақтли тармоқланувчи тасодифий жараёнлар траекторияларининг асимптотик тақсимотларини топиш, иммиграцияли тармоқланувчи жараёнлар учун инвариант ўлчовлар қуриш ва уларга яқинлашиш тезликларини баҳолаш, узоқ келажакда давом этувчи тармоқланувчи жараёнларнинг лимит тақсимот функцияларини топиш.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилар:

чексиз момент тартиби $1+\varepsilon$, $\varepsilon>0$, бўлган дискрет ва узлуксиз нокритик тармоқланувчи жараёнлар ҳосил қилувчи функциялари ва уларнинг дифференциали учун асимптотик ёйилмаларни топиш, жараёнлар ўтиш эҳтимолликларининг инвариантлик хоссаларини ўрганиш, инвариант ўлчовлар ҳосил қилувчи функцияларининг аниқ кўринишларини топиш;

иммиграция қонунининг биринчи тартибли моменти ва заррачалар кўпайиши қонунининг дисперсияси чексиз бўлган иммиграцияли Гальтон-Ватсон жараёнининг эргодиклик хоссасини ўрганиш, иммиграцияли жараёнларда инвариант ўлчовларга яқинлашиш тезликларини баҳолаш;

иккинчи тартибли моменти чексиз бўлган дискрет ва узлуксиз критик тармоқланувчи жараёнлар назариясининг асосий леммаси ва унинг дифференциал аналогини исботлаш, жараёнлар ўтиш эҳтимолликларининг инвариантлик хоссаларини тадқиқ этиш ҳамда инвариант ўлчовларга мос ҳосил қилувчи функцияларининг аниқ кўринишларини топиш;

траекторияси узоқ келажаккача давом этувчи Q-жараёнда заррачалар сони ва барча авлодлар умумий сони биргаликдаги тақсимотининг лимит қонунини топиш, марков Q-жараёнлари ҳолатларини классификациялаш, таркибий ва асимптотик хоссаларини тадқиқ этиш.

Тадқиқотнинг объекти. Тармоқланувчи Гальтон-Ватсон тасодифий жараёнлари, узлуксиз вақтли Марков тасодифий тармоқланувчи жараёнлари, иммиграцияли тармоқланувчи жараёнлар, Марков Q-жараёнлари.

Тадқиқот предмети. Ўтиш эҳтимолликлари, ҳосил қилувчи функциялар, регуляр ўзгарувчи функциялар, Колмогоров тенгламалари, инвариант ўлчовлар, Абел ва Шрёдер тенгламалари, Лаплас алмаштириши.

Тадқиқот усуллари. Тадқиқот ишида ҳосил қилувчи функциялар усули, Стейн-Тихомиров усули, Лаплас алмаштиришлари усули ва асимптотик анализ каби назарий-эҳтимолий ва аналитик усуллардан ҳамда регуляр ўзгарувчили функциялар учун Таубер теоремаларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

чексиз момент тартиби $1+\varepsilon$, $\varepsilon>0$, бўлган дискрет ва узлуксиз нокритик тармоқланувчи тасодифий жараёнлар ҳосил қилувчи функциялари ва уларнинг дифференциали учун асимптотик ёйилмалар топилган, бу жараёнларнинг инвариант ўлчовларига мос ҳосил қилувчи функцияларнинг аниқ кўринишлари ҳосил қилинган;

иммиграция оқими қонунининг биринчи тартибли моменти ва заррачалар кўпайиши қонунининг иккинчи тартибли моменти чексиз бўлган эргодик занжир ташкил этувчи иммиграцияли критик Гальтон-Ватсон жараёни ўтиш эҳтимолликлари учун асимптотик ёйилма топилган, иммиграцияли Марков тармоқланувчи жараёнларида инвариант ўлчовларга яқинлашиш тезликлари баҳоланган;

иккинчи тартибли моменти чексиз бўлган дискрет ва узлуксиз критик тармоқланувчи жараёнлар назариясининг асосий леммаси ва унинг дифференциал аналоги исботланган, жараёнлар ўтиш эҳтимолликларининг инвариант ўлчовларга яқинлашиши исботланган, инвариант ўлчовларга мос ҳосил қилувчи функцияларнинг аниқ кўринишлари топилган;

траекториялари узоқ келажаккача давом этувчи Q-жараёнларда заррачалар сони ва барча авлодлар умумий сонининг биргаликдаги лимит тақсимот қонуни топилган, узлуксиз вақтли марков Q-жараёнларининг таркибий ва асимптотик ҳолатлари классификацияланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Карамата маъносидаги регуляр ўзгарувчи функциялар назарияси элементларидан заррачалар авлодлари сони дисперсиясини ҳисоблаш мумкин бўлмаган ҳолларда жараёнлар эволюциясининг асимптотик хоссаларини тадқиқ этишда фойдаланилган.

Q-жараёнлар авлодлари заррачалари умумий сонининг хоссаларига оид исботланган тасдиқлар узоқ келажаккача давом этувчи популяцион жараёнларда индивидуумларнинг эволюцион қонуниятлари ва барча иштирокчилар сони ҳақида хулосалар олиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги тармоқланувчи жараёнлар учун олинган тасдиқларнинг исботлари қатъий математик мулоҳазалар кетма-кетлиги, маълум назарий-эҳтимолий ва аналитик усуллар, узлуксизлик теоремаларининг қўлланилиши, регуляр ўзгарувчи функциялар назарияси, ҳамда асимптотик анализнинг тадбиқлари билан асосланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, олинган натижалардан заррачалар ва индивидуумлар эволюциясини моделлаштирувчи жараёнларни ўрганишда фойдаланиш мумкин. Хусусан, регуляр ўзгарувчи ҳосил қилувчи функцияларнинг асимптотик ёйилмалари чексиз дисперсияли тармоқланувчи жараёнларнинг инвариант ўлчовларини ўрганиш имконини беради.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти олинган илмий натижаларнинг популяцион жараёнларда иштирок этувчи индувидуумлар эволюцияси ҳақида статистик хулосалар олиш ва олинган сонли ҳисоблаш натижалари хатоликларини баҳолашда тадбиқ этилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Тармоқланувчи тасодифий жараёнларнинг асимптотик хоссаларига оид олинган натижалар қуйидаги илмий лойиҳаларда амалиётга жорий этилган:

оддий ва иммиграцияли Гальтон-Ватсон жараёнлари учун исботланган теоремалар 337/07, 06-223-3-104 рақамли «Тақсимот зичлиги ва регрессия функциясини нопараметрик баҳолаш, стохастик анализ ва молиявий математикадаги тадбиқлар» хорижий илмий грантда молиявий математика масалаларига стохастик анализ усулларини тадбиқ этишда қўлланилган (Грузия Статистика Ассоциациясининг 2018 йил 26 июндаги 7/6-сон маълумотномаси). Илмий натижаларнинг қўлланилиши тасодифий жараёнлар учун лимит эҳтимолликларни топиш имконини берган;

тармоқланувчи марков жараёнларининг локал эҳтимолликлари учун олинган асимптотик формулалар FR/308/5-104/12 рақамли «Статистик баҳолаш ва стохастик анализнинг баъзи муаммолари» мавзусидаги хорижий грантда стохастик анализ усулларини статистик баҳолаш масалаларига тадбиқ этишда қўлланилган (Грузия Статистика Ассоциациясининг 2018 йил 26 июндаги 8/6-сон маълумотномаси). Илмий натижаларнинг қўлланилиши тасодифий жараёнлар учун лимит теоремалар исботлаш имконини берган;

тармоқланувчи марков жараёнлари ва иммиграцияли жараёнлар учун олинган асимптотик формулалар №1.511.2014/К рақамли «Информацион оқимлар, компьютер тармоқлари, маълумотларни узатиш ва қайта ишлаш алгоритмларининг математик моделларини тадқиқ этиш» илмий-тадқиқот лойиҳасида давлат топшириқлари қисми доирасида қўлланилган. (Тадбиқий математика ва компьютер фанлари институти (Россия) нинг 2018 йил 1 октябрдаги 253-сон маълумотномаси). Илмий натижаларнинг қўлланилиши симсиз алоқа тармоқларининг характеристикаларини таҳлил этишда тадбиқ этилган ҳамда тармоқлар самарадарлигини ошириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 31 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан 17 та халқаро ва 14 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 53 та илмий иш чоп этилган, жумладан, 18 та илмий мақола, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 16 та мақола, жумладан, 11 та мақола хорижий ва 5 та мақола республика журналларида нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш қисми, тўртта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 200 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, мавзу бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи, муаммонинг ўрганилганлик даражаси келтирилган, тадқиқот мақсади, вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Бундан кейин бутун матн давомида $\mathsf{P}_i\{*\}$ орқали бошланғич ҳолати i та заррачадан иборат бўлган жараённинг тақсимот қонунини белгилаймиз.

Диссертациянинг "**Гальтон-Ватсон тармоқланувчи тасодифий жараёнлари**" деб номланган биринчи бобида тармоқланувчи Гальтон-Ватсон (Г-В) жараёнлари қаралган. Биринчи параграфда Г-В жараёнлари таърифи келтирилган ва қисқача шарҳ баён этилган. Ушбу Z_n миқдор орқали $Z_0 = 1$ ҳолатдан бошланган Г-В жараёнида $n \in \mathbb{N}_0$ вақтдаги заррачаларнинг сонини белгилаймиз, бу ерда $\mathbb{N}_0 = \{0\} \cup \mathbb{N}$ ва $\mathbb{N} = \{1,2,\ldots\}$. Жараённинг $i \in \mathbb{N}$ ҳолатдан $j \in \mathbb{N}$ ҳолатга $n \in \mathbb{N}$ қадамда ўтиш эҳтимоллигини эса ушбу $P_{ij}(n) := \mathsf{P}_i\{Z_n = j\}$ орқали белгилаймиз. Г-В жараёни қуйидаги эҳтимолий ҳосил қилувчи функция (ҲФ) билан тўла аниқланади:

$$F(s) = \sum_{k\in\mathbb{N}_0} p_k s^k, \quad s \in [0,1),$$

бу ерда $p_k = P_{1k}(1)$ ва $\sum_{k\in\mathbb{N}_0} p_k = 1$. Агар $\sum_{k\in\mathbb{N}} kp_k$ қатор яқинлашса, ушбу $A := \sum_{k\in\mathbb{N}} kp_k = \mathsf{E}Z_1$ сон битта заррача авлодлари сонининг ўртача қийматини билдиради. Тармоқланувчи жараёнларнинг классификациясига мувофиқ қаралаётган Г-В жараёни $\{Z_n\}$ субкритик, критик ва суперкритик жараён деб аталади, агарда мос равишда $A < 1$, $A = 1$ ва $A > 1$ бўлса.

Қаралаётган $\{Z_n\}$ жараённинг емирилиш эҳтимоллиги q ва $\beta := F'(q)$ бўлсин. §1.2 да нокритик жараён учун қуйидаги лимит теорема олинган.

Теорема 1. *Агар $A > 1$ ёки $A < 1$ ва $B < \infty$ бўлса, $p_1 \neq 0$ бўлганда*

$$\beta^{-n} P_{ij}(n) = \frac{\mathcal{A}(0)}{\sum_{m\in\mathbb{N}} \mu_m q^m} i q^{i-1} \mu_j \left(1 + o(1)\right), \quad n \to \infty,$$

бунда $i, j \in \mathbb{N}$ ва $\mu_j = \lim_{n\to\infty} P_{1j}(n) \big/ P_{11}(n) < \infty$ ҳамда

$$\mathcal{A}(s) = \left(\frac{1}{q-s} + \frac{\delta}{2}\right)^{-1}$$

бўлиб, $\delta = \delta(s) = 2\lim_{n\to\infty}\left[R_n^{-1}(s)\beta^n - (q-s)^{-1}\right]$.

Ушбу $\widetilde{P}_{ij}(n) := \mathsf{P}_i\{Z_n = j \,|\, n < \mathcal{H} < \infty\}$ ўтиш эҳтимолликлари ёрдамида $\{\widetilde{Z}_n, n \in \mathbb{N}\}$ тасодифий жараённи аниқлайлик, бу ерда $\mathcal{H} := \min\{n : Z_n = 0\}$ тасодифий миқдор $\{Z_n\}$ жараённинг емирилиш моментидир. Мазкур параграфда ушбу $\{\widetilde{Z}_n\}$ жараён эргодик Марков занжири бўлиши кўрсатилган. Қуйидаги ҲФни киритамиз:

$$\mathcal{V}_n^{(i)}(s) = \sum_{j\in\mathbb{N}} \widetilde{P}_{ij}(n) s^j.$$

Маълумки, нокритик ҳолда ушбу $\nu_j := \lim_{n\to\infty} \widetilde{P}_{ij}(n)$ лимит мавжуд ва унга мос ҲФ $\mathcal{V}(s) = \sum_{j\in\mathbb{N}} \nu_j s^j$ барча $s \in [0,1)$ қийматларда ушбу

$$1 - \mathcal{V}\left(\frac{F(qs)}{q}\right) = \beta \cdot \left[1 - \mathcal{V}(s)\right] \tag{1}$$

Шредер тенгламасини қаноатлантиради ва $\sum_{j\in\mathbb{N}} \nu_j = 1$. Маълумки, (1) тенгламани қаноатлантирувчи $\mathcal{V}(s)$ функция $\widetilde{P}_{ij}(n)$ ўтиш эҳтимолликларига нисбатан инвариант ўлчов яратади. §1.2 да $\mathcal{V}(s)$ ҲФнинг аниқ кўринишлари топилган. Хусусан, $F''(s \uparrow 1) < \infty$ шартда нокритик ҳол учун

$$\mathcal{V}(s) = 1 - \frac{\mathcal{A}(qs)}{\mathcal{A}(0)}$$

бўлиши кўрсатилган, бунда $\mathcal{A}(s)$ функция Теорема 1 да берилган. Бундан ташқари $P_{ij}(n)$ ва $\widetilde{P}_{ij}(n)$ ўтиш эҳтимолликлари қуйидаги тенгликни қаноатлантириши кўрсатилган:

$$P_{ij}(n) = \widetilde{P}_{ij}(n) \cdot \sum_{k \in \mathbb{N}} P_{ik}(n) q^{k-j} .$$

§1.3 да Г-В жараёни иккинчи тартибли $F''(s \uparrow 1)$ моментнинг чекли бўлиш шартидан фойдаланмасдан, Карамата маъносидаги секин ўзгарувчи функция (С-функция) лар назарияси ёрдамида ўрганилган. Тармоқланувчи жараёнларни ўрганишда С-функциялар назарияси илк бор В.Золотарёв томонидан қўлланилган. С-функцияларнинг тадбиқлари бўйича дастлабки эълон қилинган ишлар рўйхатига Р.Слэйк ва Е.Сенетанинг XX аср 70-йилларида эълон қилган ишларини киритиш мумкин. С-функцияларнинг тадбиқлари бўйича батафсил маълумотлар С.Асмусен ва Г.Геринг, шунингдек Н.Бингҳам, К.Голди ва Дж.Тёгелсларнинг монографияларида келтирилган. Бундан кейинги матн давомида нол ва чексизликда С-хоссали функциялар синфини мос равишда $\mathcal{S}_0$ ва $\mathcal{S}_\infty$ символлар орқали белгилаймиз.

Нокритик ҳолда маълумки, қуйидаги муносабат ўринли:

$$1 - \mathcal{V}(x) = (1 - x)\boldsymbol{\ell}_\vartheta(1 - x), \tag{2}$$

бунда $\boldsymbol{\ell}_\vartheta(x) \in \mathcal{S}_0$ ҳамда ушбу

$$\mathsf{E}\left[Z_1 \ln Z_1\right] = \sum_{j \in \mathbb{N}} p_j j \ln j < \infty \qquad [\mathcal{A}]$$

шартнинг бажарилиши $m := \mathcal{V}'(s \uparrow 1)$ чекли моментнинг мавжуд бўлиши учун зарур ва етарли бўлади.

Барча $s \in [0,1)$ қийматлар учун ушбу $F_n(s) = \mathsf{E}s^{Z_n}$ ҲФни қараймиз ва $R_n(s) := 1 - \widehat{F_n}(s)$ белгилашни киритиб олайлик, бунда $\widehat{F_n}(s) = F_n(qs)/q$. Қуйида келтириладиган леммада нокритик Г-В жараёни учун $R_n(s)$ функциянинг асимптотик ёйилмаси топилган.

Лемма 1. *Агар $A \neq 1$ бўлса, у ҳолда*

$$R_n(s) = (1 - s)L_n(1 - s) \cdot \beta^n ,$$

бунда ихтиёрий $n \in \mathbb{N}$ учун $L_n(x \downarrow 0) = 1$ ва ҳар қандай тайинланган $n_0 \in \mathbb{N}$ учун $L_{n_0}(x) =: L(x) \in \mathcal{S}_0$. Агар $[\mathcal{A}]$ шарт бажарилса, $L_n(1) \downarrow 1/m$, $n \to \infty$.

Лемма 1 нокритик Г-В жараёнининг асимптотик хоссаларини ўрганишда муҳим роль ўйнайди. Хусусан, $\mathcal{V}(0) = 0$ ва $q - F_n(qs) = qR_n(s)$ эканлигидан $s = 0$ бўлганда қуйидаги формула келиб чиқади:

$$\mathsf{P}\{n < \mathcal{H} < \infty\} = q \cdot \boldsymbol{\ell}_a(\beta^n) \cdot \beta^n ,$$

бунда $\boldsymbol{\ell}_a(s) \in \mathcal{S}_0$ ва агар $[\mathcal{A}]$ шарт бажарилса, $L_n(1) \downarrow 1/m$, $n \to \infty$

Қуйидаги локал лимит теорема исботланган.

Теорема 2. *Агар* $A \neq 1$ *ва* $p_1 \neq 0$ *бўлса, у ҳолда барча* $i, j \in \mathbb{N}$ *учун*

$$\beta^{-n} \cdot P_{ij}(n) = iq^{i-1}\mu_j \mathcal{V}'(0) \cdot \boldsymbol{\ell}_a(\beta^n) + \mathcal{O}(\beta^n), \quad n \to \infty,$$

бунда $\boldsymbol{\ell}_a(s) \in \mathcal{S}_0$. *Агар* $[\mathcal{A}]$ *шарт бажарилса,* $\boldsymbol{\ell}_a(\beta^n) \to 1/m$, $n \to \infty$.

Критик ҳолда $F(s)$ ҲФ барча $s \in [0,1)$ қийматлар учун ушбу

$$F(s) = s + (1-s)^{1+\nu} \boldsymbol{\mathcal{L}}\left(\frac{1}{1-s}\right) \qquad [\Re_\nu]$$

кўринишга эга бўлсин деб ҳисоблаймиз, бунда $0 < \nu \leq 1$ ва $\boldsymbol{\mathcal{L}}(t) \in \mathcal{S}_\infty$. Бу кўриниш $F''(s \uparrow 1) = \infty$ бўлганда Г-В жараёнининг асимптотик хоссаларини ўрганиш имконини беради. Мазкур ҳол учун критик Г-В жараёнининг қуйидаги Асосий леммаси исботланган.

Лемма 2. *Агар* $A = 1$ *ва* $[\Re_\nu]$ *шарт бажарилса, у ҳолда*

$$R_n(s) = \frac{\mathcal{N}(n + \mathcal{M}(s))}{(\nu n)^{1/\nu}} \cdot \left[1 - \frac{M_n(s)}{\nu n}\right],$$

бунда $\mathcal{N}(n) \in \mathcal{S}_\infty$ *функция қуйидаги шартни каноатлантиради:*

$$\mathcal{N}^{\nu}(x) \cdot \boldsymbol{\mathcal{L}}\left(\frac{(\nu x)^{1/\nu}}{\mathcal{N}(x)}\right) \longrightarrow 1, \quad x \to \infty. \qquad [\mathcal{N}]$$

Бу ерда барча $s \in [0,1)$ *учун текис ҳолда* $M_n(s) \to \boldsymbol{\mathcal{M}}(s)$ *бўлиб, бунда* $\boldsymbol{\mathcal{M}}(s)$ *функция* $\boldsymbol{\mathcal{M}}(F(0)) = 1$ *шартда* $\boldsymbol{\mathcal{M}}(F(s)) = \boldsymbol{\mathcal{M}}(s) + 1$ *Абель тенгламасини қаноатлантиради. Бу функция учун қуйидаги муносабат ўринли:*

$$\boldsymbol{\mathcal{M}}(s) = \frac{1 + o(1)}{\nu(1-s)^{\nu} \boldsymbol{\mathcal{L}}\left(1/(1-s)\right)}, \quad s \uparrow 1.$$

Ихтиёрий тайинланган $n \in \mathbb{N}$ *қийматда* $M_n(0) = 0$ *ва* $M_n(s \uparrow 1) = \nu n$.

Юқоридаги лемма критик тармоқланувчи Г-В жараёнининг асимптотик хоссаларини ўрганишда муҳим роль ўйнайди. Хусусан, бу лемма қуйидаги лимит теоремани исботлаш имконини берган.

Теорема 3. *Агар Лемма 2 нинг шартлари бажарилса, у ҳолда*

$$\nu n \cdot \mathcal{V}_n^{(i)}(s) = \boldsymbol{\mathcal{M}}(s)(1 + o(1)), \quad n \to \infty,$$

бунда $\boldsymbol{\mathcal{M}}(s)$ *функция* $\boldsymbol{\mathcal{M}}(s) = \sum_{j \in \mathbb{N}} \boldsymbol{m}_j s^j$ *ёйилмага эга бўлиб,* $\{\boldsymbol{m}_j\}$ *сонлар Г-В жараёни учун инвариант ўлчов ташкил этади ва* $\sum_{j \in \mathbb{N}} \boldsymbol{m}_j = \infty$.

Қўшимча шартлар $\boldsymbol{\mathcal{L}}(x)$ функцияга қўйилганда Лемма 2 нинг тасдиғини аниқлаштирувчи натижа олинган. Бунинг учун $\boldsymbol{\mathcal{L}}(x)$ функцияга қуйидаги талаблар қўйилган. Шартга кўра $\boldsymbol{\mathcal{L}}(x) \in \mathcal{S}_\infty$, ва С-функция таърифига кўра, ихтиёрий $\lambda > 0$ учун қуйидаги тенглик ўринли бўлади:

$$\frac{\boldsymbol{\mathcal{L}}(\lambda x)}{\boldsymbol{\mathcal{L}}(x)} = 1 + \alpha(x), \qquad [\boldsymbol{\mathcal{L}}_\alpha]$$

бунда $x \to \infty$ бўлганда $\alpha(x) = \mathcal{O}\left(1/\varphi(x)\right)$ ва $\varphi(x)$ ўсувчи мусбат функция бўлиб, $\varphi(x) \to \infty$ ҳамда бирор $\gamma > 0$ ва $X > 0$ сонлар учун $x^{-\gamma}\varphi(x)$ функция $x > X$ қийматларда кенг маънода камаювчи. Юқоридаги $[\boldsymbol{\mathcal{L}}_{\alpha}]$ шарт бажарилганда $\boldsymbol{\mathcal{L}}(x)$ функция $\alpha(x)$ қолдиқ ҳадли С-функция деб аталади.

Белгилаш киритамиз:

$$\Lambda(y) := y^{\nu}\boldsymbol{\mathcal{L}}\left(\frac{1}{y}\right) = \frac{F(1-y)-(1-y)}{y}, \quad y \in (0,1].$$

Лемма 3. *Агар* $[\Re_{\nu}]$ *шарт ва* $[\boldsymbol{\mathcal{L}}_{\alpha}]$ *шарт* $\alpha(x) = o\left(\boldsymbol{\mathcal{L}}(x)/x^{\nu}\right)$ *қолдиқ ҳад билан бажарилса, у ҳолда қуйидаги асимптотик ёйилма ўринли бўлади:*

$$\Lambda\left(R_n(s)\right) = \frac{\Lambda(1-s)}{\Lambda(1-s)\nu n + 1}\left(1 + \mathcal{O}\left(\frac{\ln n}{n}\right)\right), \quad n \to \infty.$$

Охирги тасдиқ $F'''(s \uparrow 1)$ моментнинг чекли бўлиш шарти остида исботи маълум бўлган критик тармоқланувчи Г-В жараёнлари назариясининг қолдиқ ҳади баҳоланган Асосий леммаси тасдиғининг аналогидир.

Лемма 3 ёрдамида қуйидаги локал лимит теорема исботланган.

Теорема 4. *Агар* $A = 1$ *ва* $p_1 \neq 0$ *шартлар билан бирга Лемма 3 нинг барча шартлари бажарилса, қуйидаги асимптотик ёйилма ўринли бўлади:*

$$n^{1+1/\nu} \cdot P_{11}(n) = \frac{\mathcal{N}(n)}{p_0}\left(1 + \mathcal{O}\left(\frac{\ln n}{n}\right)\right), \quad n \to \infty,$$

бунда $\mathcal{N}(x) \in \mathcal{S}_{\infty}$ *функция* $[\mathcal{N}]$ *шартни қаноатлантиради.*

§1.4 да тармоқланувчи жараёнлар назариясининг лимит теоремаларини исботлашда Стейн-Тихомиров усулининг қўлланилиш имкониятлари намойиш этилган. Хусусан, бу усул билан қуйидаги теорема исботланган.

Теорема 5. *Агар* $A \neq 1$ *бўлса, ушбу* $\mathcal{V}(s) = \lim_{n\to\infty} \mathcal{V}_n^{(i)}(s)$ *ҲФ барча* $s \in [0,1)$ *учун мавжуд ҳамда* $\mathcal{V}(0) = 0$ *ва* $\mathcal{V}(1) = 1$. *Бундан ташқари*

$$\frac{1 - \mathcal{V}_n^{(i)}(s)}{1-s} \longrightarrow \boldsymbol{\ell}(1-s), \quad n \to \infty,$$

бунда $\boldsymbol{\ell}(x) \in \mathcal{S}_0$. *Агар* $[\mathcal{A}]$ *шарт бажарилса,* $\boldsymbol{\ell}(x \downarrow 0) = m$ *ва* $\boldsymbol{\ell}(1) = 1$.

Биринчи бобнинг охирги икки параграфи иммиграцияли Г-В (ИГВ) жараёни ўтиш эҳтимолликларининг лимит хоссаларини ўрганишга бағишланган. ИГВ жараёни иккита эҳтимолий ҲФ билан аниқланади. Агар ҲФ $F(s)$ заррачалар эволюцияси қонунини аниқласа, иммигрант-заррачалар оқимини $G(s) := \sum_{j\in\mathbb{N}_0} h_j s^j$ ҲФ тавсифлайди. Авлодлар сони кетма-кетлиги $\{X_n\}$ ҳолатлар фазоси $\mathcal{S} \subset \mathbb{N}_0$ бўлган бир жинсли Марков занжирини ташкил этади. Унинг ўтиш эҳтимоллигини $p_{ij}^{(n)} := \mathsf{P}_i\{X_n = j\}$ ва мос ҲФни $\mathcal{P}_n^{(i)}(s) := \sum_{j\in\mathcal{S}} p_{ij}^{(n)} s^j$ деб белгилаймиз. ИГВ жараёни субкритик, критик ва суперкритик дейилади, агарда мос равишда $A < 1$, $A = 1$ ва $A > 1$ бўлса.

§1.5 да $\upsilon_j := \lim_{n\to\infty} p_{0j}^{(n)} \big/ p_{00}^{(n)}$ сонлар барча $j \in \mathcal{S}$ учун мавжуд бўлиши ва ИГВ жараёни учун инвариант ўлчов ташкил этиши кўрсатилган.

Нокритик ҳол учун қуйидаги теорема исботланган.

Теорема 6. *Агар $A \neq 1$ бўлса, у ҳолда барча $i, j \in \mathcal{S}$ учун*

$$\sigma^{-n} p_{ij}^{(n)} \longrightarrow \frac{q^i \upsilon_j}{\sum_{k\in\mathcal{S}} \upsilon_k q^k}, \quad n \to \infty,$$

бунда $\sigma := G(q)$.

Критик ҳолда $\left[\Re_\nu\right]$ шарт $0 < \nu < 1$ қийматларда бажарилиши билан бирга заррачалар иммиграцияси оқимини характерловчи $G(s)$ ҲФ барча $s \in [0,1)$ қийматларда ушбу

$$1 - G(s) = (1-s)^\delta \boldsymbol{\ell}\left(\frac{1}{1-s}\right) \qquad \left[G_\delta\right]$$

кўринишга эга бўлган ҳол қаралган, бунда $0 < \delta < 1$ ва $\boldsymbol{\ell}(x) \in \mathcal{S}_\infty$.

Теорема 7. *Агар $\left[\Re_\nu\right]$ ва $\left[G_\delta\right]$ шартлар бажарилиб, $\delta > \nu$ бўлса, у ҳолда $\left\{X_n\right\}$ занжир эргодик ва қуйидаги ёйилма ўринли бўлади:*

$$\mathcal{P}_n^{(0)}(s) \sim K(s) \exp\left\{\int_s^{F_n(s)} \frac{1 - G(y)}{F(y) - y} dy\right\}, \quad n \to \infty,$$

бунда $K(s)$ – чегараланган функция.

Диссертациянинг иккинчи боби “**Дискрет вақтли узоқ келажакда давом этувчи тармоқланувчи жараёнлар**” деб номланиб, унда ушбу

$$\left[\mathcal{Q}_{ij}(n)\right] := \left[\lim_{k\to\infty} \mathsf{P}_i\left\{Z_n = j \middle| n + k < \mathcal{H} < \infty\right\}\right] = \left[\mathsf{P}_i\left\{Z_n = j \middle| \mathcal{H} = \infty\right\}\right]$$

эҳтимоллик ўлчови билан берилган W_n тасодифий жараённинг таркибий ва асимптотик хоссалари ўрганилган. Бу жараён бошланғич ҳолати $W_0 \stackrel{d}{=} Z_0$ ва ҳолатлар фазоси $\mathcal{E} \subset \mathbb{N}$ бўлган Марков занжири сифатида Q-жараён номи билан маълум. Жараённинг n-вақтдаги ҳолатини W_n миқдор ифодалайди ва барча $i, j \in \mathcal{E}$ лар учун ўтиш эҳтимолликлари

$$\mathcal{Q}_{ij}(n) = \mathsf{P}_i\left\{W_n = j\right\} = \frac{jq^{j-i}}{i\beta^n} P_{ij}(n),$$

бунда $\beta := F'(q)$ ва $P_{ij}(n) = \mathsf{P}_i\{Z_n = j\}$ – Г-В жараёни ўтиш эҳтимолликлари.

§2.1 да ушбу $Y_n^{(i)}(s) := \sum_{j\in\mathcal{E}} \mathcal{Q}_{ij}(n) s^j$ ҲФнинг кўриниши топилган. §2.2да $\left\{W_n\right\}$ занжирнинг ҳолатлари классификацияси β таркибий параметрнинг қийматига боғлиқ эканлиги кўрсатилган. Марков занжири $\left\{W_n\right\}$ мусбат қайтувчи бўлади, агарда $\beta < 1$ бўлса, қайтмас бўлади, агарда $\beta = 1$ бўлса.

§2.3 да Q-жараёнда n-вақтгача барча авлодлар заррачаларининг умумий йиғиндиси бўлган $S_n = \sum_{k=0}^{n-1} W_k$ миқдор қаралган. Ушбу $Y(s) := Y_1^{(1)}(s)$ ва

$\alpha := Y'(s \uparrow 1) < \infty$ белгилашларни киритамиз. Дастлаб $\beta < 1$ шартда W_n и S_n миқдорларнинг ўзаро “асимптотик боғлиқсиз” эканлиги кўрсатилган.

Қуйидаги иккита теоремада §2.3 нинг асосий натижалари келтирилган.

Теорема 8. *Агар* $\beta = 1$ *ва* $\alpha < \infty$ *бўлса, ушбу*

$$\left(\frac{W_n}{\mathsf{E}\, W_n}; \frac{S_n}{\mathsf{E} S_n}\right)$$

икки ўлчовли жараён $(\mathbf{w}; \mathbf{s})$ *тасодифий миқдорга суст яқинлашади ва*

$$\mathsf{E}\left[e^{-\lambda \mathbf{w} - \theta \mathbf{s}}\right] = \left[\operatorname{ch}\sqrt{\theta} + \frac{\lambda}{2}\frac{\operatorname{sh}\sqrt{\theta}}{\sqrt{\theta}}\right]^{-2}, \quad \lambda, \theta \in \mathbb{R}_+,$$

бунда $\operatorname{ch} x = \left(e^x + e^{-x}\right)\big/2$ *ва* $\operatorname{sh} x = \left(e^x - e^{-x}\right)\big/2$.

Юқоридаги теорема илгари маълум бўлган натижаларни шу маънода умумлаштирадики, эслатилган натижалар бир ўлчовли нормалланган ушбу $W_n\big/\mathsf{E}\, W_n$ ва $S_n\big/\mathsf{E} S_n$ миқдорлар учун алоҳида ҳолларда исботланган.

Теорема 9. *Агар* $\beta < 1$ *ва* $\alpha < \infty$ *бўлса, у ҳолда* $n \to \infty$ *бўлганда*

$$\mathsf{P}\left\{\frac{S_n - \mathsf{E} S_n}{\sqrt{2\Psi n}} < x\right\} \longrightarrow \Phi(x),$$

бунда $\Psi = \gamma(2 + \beta\gamma)\big/2(1-\beta)$, $\gamma = (\alpha - 1)\big/(1-\beta)$ *ва* $\Phi(x)$ *– стандарт нормал қонун тақсимот функцияси.*

Охирги §2.4 да $\{W_n\}$ жараён $\alpha := Y'(s \uparrow 1) = \infty$ бўлган ҳолда ўрганилган. Бунда $\beta < 1$ ҳол учун қуйидаги шарт қабул қилинган:

$$\mathsf{E}\left[\ln W_1\right] < \infty. \qquad [\mathcal{L}]$$

Теорема 10. *Агар* $\beta < 1$ *ва* $[\mathcal{L}]$ *шарт бажарилса, барча* $s \in [0,1)$ *қийматлар учун* $\pi(s) := \lim_{n\to\infty} Y_n^{(i)}(s)$ *лимит мавжуд ва унинг кўриниши*

$$\pi(s) = \frac{1}{m} s\mathcal{V}'(s),$$

бунда $\mathcal{V}(s)$ *функция (2) тенглик билан аниқланган ва* $m = \mathcal{V}'(s \uparrow 1)$. *ҲФ* $\pi(s)$ *Q-жараён учун* $\left\{\pi_j, j \in \mathcal{E}\right\}$ *инвариант тақсимот яратади.*

Q-жараён учун $\beta = 1$ бўлганда, мос Г-В жараёни критик бўлади ва $\alpha = \infty$ бўлиши учун $\left[\Re_\nu\right]$ шартнинг бажарилиши етарли бўлади.

Лемма 4. *Агар* $\beta = 1$ *ва* $\left[\Re_\nu\right]$ *шарт бажарилса, барча* $s \in [0,1)$ *учун*

$$Y_n(s) = s\left(\frac{R_n(s)}{1-s}\right)^{1+\nu} \frac{\boldsymbol{\mathcal{L}}\left(1/q_n\right)}{\boldsymbol{\mathcal{L}}\left(1/(1-s)\right)}, \quad n \to \infty,$$

бунда $q_n = R_n(0)$.

Лемма 3 ва Лемма 4 ёрдамида қуйидаги теоремалар исботланган.

